

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**КАЗАКОВ ЭРГАШ АХМАДОВИЧ**

**МАГИСТРАЛ КАНАЛЛАРДА СУВ ОҚИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
ГИДРАВЛИК УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(КАТТА НАМАНГАН КАНАЛИ МИСОЛИДА)**

**05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract**

**Казаков Эргаш Ахмадович**

Магистрал каналларда сув оқимини бошқаришнинг гидравлик  
усулларини такомиллаштириш (Катта Наманган канали  
мисолида)..... 3

**Казаков Эргаш Ахмадович**

Совершенствование гидравлических методов управления водным  
потокком в магистральных каналах (на примере Большого  
Наманганского канала ) ..... 19

**Kazakov Ergash Akhmadovich**

Improvement of the hydraulic management methods by the water flow  
in the trunk channels ( On the example of the Big Namangan canal )..... 34

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**КАЗАКОВ ЭРГАШ АХМАДОВИЧ**

**МАГИСТРАЛ КАНАЛЛАРДА СУВ ОҚИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
ГИДРАВЛИК УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(КАТТА НАМАНГАН КАНАЛИ МИСОЛИДА)**

**05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1488 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Махмудов Илхомжон Эрназарович**  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

**Эшев Собир Саматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ҳикматов Фазлиддин**  
география фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


**Ислом Каримов номидаги**  
**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «18» декабрь 2020 йил соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (99871) 237-22-09; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiim.uz](mailto:admin@tiim.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (144 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (99871) 237-19-45).

Диссертация автореферати 2020 йил «05» декабрь кунин тарқатилди.

(2020 йил «05» декабрь даги 144 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Султанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

**Д.Р.Базаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда суғориш тизими магистрал каналларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси, сув олиш иншоотларини автоматлаштириш, сув тақсимотида юқори самарали ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш энг муҳим илмий-техника муаммо ҳисобланади. Яъни, ҳозирги кунда суғориш магистрал каналларида 30–35 % ва ундан ортиқ сув узатиш технологик жараёнларида беҳуда сарфланади. Бу борада, жумладан АҚШ, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда, иншоотлар бьефлари бўйича сув сатҳини бошқаришнинг воситаларини қўллаш билан сув тақсимоти жараёнини бошқариш, тезкор назоратни яхшилаш ва каналлардаги сув сарфи ва сатҳининг мураккаб тебранишлар кўринишига эга сув оқимининг динамик жараёнларини гидравлик тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда сув манбаига келадиган сув миқдори, унга бўлган талаб мутаносиблиги тамойили асосида суғориш каналларида оқимнинг беқарор ҳаракатида сув тақсимотини самарали бошқаришнинг гидравлик усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада гидротехника иншоотлари, насос станциялари, ГЭС иш режимларининг ўзгариши билан айнан боғлиқ гидравлик ўтиш жараёнларини тадқиқ қилиш, суғориш каналларида сув узатиш, тақсимлаш жараёнларини самарали ва турғун бошқариш, сув истъеомолчиларига кафолатли сув етказиш бўйича каналларда сув сатҳини барқарорлаштиришнинг гидравлик усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республика сув хўжалигида магистрал каналларда сув тақсимлашнинг технологик жараёнларини бошқаришда, иншоотларнинг бьефларида сув сатҳини ўзгаришини назорат қилиш воситаларини қўллаш асосида автоматлаштириш усулларини ҳамда замонавий инновация ишланмалари асосида сув ресурсларини самарали бошқариш, улардан рационал фойдаланиш имкониятини берадиган гидравлик усулларни такомиллаштиришга ва жорий этишга доир кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “... энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш...”<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, сув олиш иншоотининг ишлаш режимини бузилиши оқибатида ирригация канали участкаларида содир бўладиган беқарор сув ҳаракатининг салбий тасирларини камайтириш имкониятини берадиган автоматлаштирилган бошқариш тизимлари ҳамда гидравлик моделларни яратиш ва амалаётга кенг жорий этиш йўналишидаги илмий-тадқиқот ишларини бажаришга алоҳида

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

аҳамият бериш талаб этилади. Жумладан, техноген омиллар таъсирида Катта Наманган каналида содир бўладиган беқарор сув ҳаракати туфайли сув сатҳининг кескин тебраниши шароитида каналдаги гидротехника иншоотлари ва насос станциялари ишончли ишлашнинг таъминлашга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши, Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фонд материаллари ва шу соҳага оид адабиётлар таҳлиliga кура, гидротехника иншоотларини автоматлаштириш ва суғориш тизимларидан фойдаланишни гидравлик усулларини такомиллаштириш масалалари Бочкарев Я.В., Чураев А.А., Клишин И.В., Юченко Л.В., Вайнберг М.В., Ганкин М.З., Жарковский А.М., Коваленко П.И., Пахомов А.А., Ткачев А.А., Скворцов В.Ф., Маковский Э.Э., Рожнов В.А., Рахимов Ш.Х., Гловацкий О.Я., Икрамова М.Р. ва бошқалар ишларида етарли даражада ўрганилган. Жумладан, сув тақсимотида гидравлик усуллар ҳамда автоматлаштириш ва телеметрия тамойиллари асосида замонавий бошқариш технологиялари ва усулларни жорий этиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ҳамда рационал фойдаланишга қаратилган илмий-техника масалалари етарлича ўрганилган. Илмий-тадқиқот натижалари илмий мақолалар ва меъёрий ҳужжатлар сифатида чоп этилган.

Грушевский М.С., Иваненко Ю.Г., Карасев И.Ф., Коваленко В.В., Кокорин Ю.В., Лаксберг А.И., Троицкий В.П., Лятхер В.М., Прудовский А.М., Ткачев А.А., Иваненко Ю.Г., Лобанов Г.Л., Васильев О.Ф., Дегтярев В.В., Рожнов В.А., Историк В., Мишуев А.В., Сладкевич М.С., Махмудов Э.Ж., Бакиев М.Р., Арифжанов А.М., Базаров Д.Р. каби олимлар ирригация каналларидаги беқарор сув ҳаракатининг гидравлик усулларини такомиллаштириш, беқарор сув оқимининг характери ва параметрларини аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришган. Ушбу олимларнинг ишларида ирригация каналларида содир бўладиган беқарор сув ҳаракати билан боғлиқ динамик жараёнларни гидравлик моделлаштириш масалалари яхши ўрганилган.

Шу билан бир қаторда гидротехника иншоотлари, насос станциялари ва ГЭС ларнинг иш режимини бузилиши оқибатида каналларда вужудга келадиган беқарор сув ҳаракатининг салбий таъсирларини олдини олиш

бўйича бошқаришнинг гидравлик усуларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-техника муаммолари етарлича ўрганилмаган.

**Тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-276 “Чирчиқ Бозсув деривация канали сувини Мирзачўл ҳудудига ташлаш ва Катта Наманган каналдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Гидротехника иншоотлари, насос станциялари ва гидроэлектр станцияларнинг ишлаш режимини ўзгариши билан боғлиқ ҳолда магистрал каналларда вужудга келадиган сув оқимининг беқарор ҳаракати параметрларини ҳисоблаш ва бошқаришнинг гидравлик усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

суғориш тизимининг магистрал каналларида сув ресурсларини бошқаришнинг гидравлик ва автоматлаштирилган усулларини ретроспектив таҳлили;

ишончлик назарияси усуллари асосида Катта Наманган каналида содир бўладиган беқарор сув ҳаракати туфайли сув сатҳининг кескин ўзгариши шароитида каналдан сув кўтарувчи насос станцияларининг ишончли ишлаш ҳолатининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш;

Катта Наманган канали бўлимларида оқимнинг тезликлар майдони, сув сарфи ва оқим чуқурлиги ўзгаришини экспериментал тадқиқ қилиш;

Сен-Венан тенгламалари асосида Учқўрғон ГЭС иш режими таъсирида Катта Наманган каналида вужудга келадиган беқарор сув оқими ҳаракатини гидравлик моделини такомиллаштириш;

бошқарув назарияси усуллари ёрдамида Катта Наманган каналидаги тусувчи иншоотларнинг затворлари ҳолатини мантиқий бошқарув қонуниятини ҳамда каналдаги сув сарфи ва сатҳининг ўзгаришини ифодаловчи гидравлик моделни такомиллаштириш;

ихтиёрий вақт momentiда, сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини ўзгариши ҳамда Катта Наманган каналида сув сатҳининг тебраниши ўртасидаги боғлиқликнинг гидравлик моделини ишлаб чиқиш;

сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини бошқариш орқали Катта Наманган каналининг ихтиёрий қирқимида сув сатҳини ростлашнинг гидравлик моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Катта Наманган канали олинган.

**Тадқиқот предмети** суғориш тизими магистрал каналлардаги гидравлик жараёнлар ва уларни бошқариш усуллари, геоахборот тизими, компьютер дастурларини ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида экспериментал, дала кузатув усуллари ҳамда гидравликада умумий қабул қилинган усуллар, гидромеханика қонунлари асосида математик ва гидравлик моделлар тузиш, беқарор сув ҳаракати жараёнларини моделлаштириш ва уларни сонли ҳисоблаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сен-Венан тенгламалари асосида Учқўрғон ГЭС иш режими таъсирида Катта Наманган каналида вужудга келадиган беқарор сув оқими ҳаракатининг гидравлик модели такомиллаштирилган;

Катта Наманган каналидаги тўсувчи иншоотларнинг затворлари ҳолатини мантиқий бошқарув қонуниятини ҳамда каналдаги сув сарфи ва сатҳининг ўзгаришини ифодаловчи гидравлик модель бошқарув назарияси усуллари ёрдамида такомиллаштирилган;

ихтиёрий вақт моментида, сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини ўзгариши ҳамда Катта Наманган каналида сув сатҳининг тебраниши ўртасидаги боғлиқликнинг гидравлик модели ишлаб чиқилган;

сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини бошқариш орқали Катта Наманган каналининг ихтиёрий қирқимида сув сатҳини ростлашнинг гидравлик модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишончлилик назарияси усуллари асосида Катта Наманган каналида содир бўладиган беқарор сув ҳаракати туфайли сув сатҳининг кескин тебранишлари шароитида каналдан сув кўтарувчи насос станцияларининг ишончли ишлаш ҳолатининг миқдорий кўрсаткичлари аниқланган;

ишончлилик назарияси усуллари асосида Катта Наманган каналининг кейинги 10 йил давомида ишончлилик ҳолати аниқланди: канал участкаларининг таъмир талаб қилмасдан ишлаш эҳтимоллиги ўртача 0,49, канал участкасини ишдан чиқиш эҳтимоллиги ўртача 0,51 ни ташкил этган;

ГАТ (GlobalMapper) технологиялари асосида Катта Наманган канали сув ҳўжалиги баланси ишлаб чиқилди. Сув ҳўжалик балансининг оптик қатламлари: канал ўзани, ундаги гидротехника иншоотлар, насос станциялар ва гидропостларнинг умумий ҳолатини баҳолаш ва вақт қаторида башоратлаш имкониятини яратилган;

сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини бошқариш орқали Катта Наманган каналининг ихтиёрий қирқимида сув сатҳини ростлашнинг гидравлик модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган гидромеханика қонунлари ва математик усулларга асосланган, олинган назарий натижаларни амалга оширилган экспериментал ва назарий тадқиқот натижалари билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гидравлик моделлар ва ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш асосида Катта Наманган каналида вужудга келадиган беқарор сув ҳаракатининг гидравлик параметрларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилганлиги, бошқарув назарияси усуллари асосида Катта Наманган каналидаги беқарор сув ҳаракати параметрларини бошқаришнинг гидравлик модели ишлаб чиқилганлиги ҳамда ихтиёрий вақт моментида, сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини ўзгариши билан Катта



Наманган каналида сув сатҳининг тебраниши ўртасидаги боғлиқликнинг гидравлик модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишончлилик назарияси усуллари асосида, Катта Наманган каналида содир бўладиган беқарор сув ҳаракати туфайли сув сатҳининг кескин тебраниши шароитида каналдан сув кўтарувчи насос станцияларининг ишончли ишлаш ҳолатининг миқдорий кўрсаткичларини аниқланганлиги, ГАТ (GlobalMapper) технологиялари асосида Катта Наманган канали сув хўжалиги баланси ишлаб чиқилганлиги, сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини бошқариш орқали Катта Наманган каналининг ихтиёрий қирқимида сув сатҳини ростлашнинг гидравлик модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Магистрал каналларда сув оқимини бошқаришнинг гидравлик усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Учкўрғон ГЭС иш режими таъсирида Катта Наманган каналида сув сатҳи ва сарфини кескин ўзгаришини ифодаловчи гидравлик усуллари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Катта Наманган канали бошқармасига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 декабрь 02/25-4864-сон маълумотномаси). Натижада каналларда сув сатҳи ва сарфини ўзгаришини баҳолаш ва бошқариш имконияти яратилган;

ГАТ технологиялари асосида тузилган Катта Наманган каналининг сув хўжалиги баланси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Катта Наманган канали бошқармасига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 декабрь 02/25-4864-сон маълумотномаси). Натижада каналдаги гидротехника иншоотлар, насос станцияларнинг умумий иш ҳолатини баҳолаш ва вақт қаторида башоратлаш имконияти яратилган;

Учкўрғон ГЭС иш режими таъсирида Катта Наманган канали узунаси бўйича сув сатҳини кескин ўзгаришини ифодаловчи гидравлик усул ҳамда каналнинг исталган қирқимида сув сарфи ва чуқурлигини аниқлашнинг такомиллаштирилган гидравлик усуллари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси фаолияти диспетчерлик хизматида қўлланма сифатида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 декабрь 02/25-4864-сон маълумотномаси). Натижада каналининг ихтиёрий қирқимида сув сатҳини ростлаш орқали каналдан сув кўтарувчи насос агрегатларини барқарор ишлашини таъминлаш имконияти яратилган;

Асосий сув олиш иншооти иш режимининг бузилиши натижасида Катта Наманган каналида юзага келадиган беқарор сув ҳаракатини бошқаришнинг гидравлик усуллари ва компьютер дастурлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Катта Наманган канали бошқармасига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 декабрь 02/25-4864-сон маълумотномаси). Натижада сув ресурсларини самарали бошқариш ва каналларда манбадан олинадиган сувга нисбатан 5-6 % сув иқтисод қилиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика миқёсидаги анжуманларда ва институт илмий кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган, шу жумладан 2 та халқаро ва 1 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил қилади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида Ўзбекистонда ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган натижалар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилган.


Диссертациянинг **“Ирригация тизими магистрал каналларида сув ресурсларини бошқариш усуллариининг ретроспектив таҳлили”** деб номланган биринчи бобида мавжуд тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Суғориш тизимларида сув тақсимлаш жараёнларининг гидравлик усуллариини такомиллаштириш ва автоматлаштириш масалалари Я.В.Бочкарев, Е.Е.Овчаров, М.З.Ганкин, А.Л.Ильмер, П.И.Коваленко, О.П.Кисаров, Э.Э.Маковский, М.Ф.Натальчук, В.И.Ольгаренко, В.Н.Щедрин, Ю.Г.Иваненко, В.И.Коржов, А.А.Ткачев, О.Ф.Васильев, В.В.Дегтярев, В.А.Рожнов, А.М.Арифжанов, Д.Р.Базаров ва бошқа тадқиқотчилар ишларида яхши ўрганилган. Таҳлил қилинган илмий ишлар, суғориш тизимларини шакллантиришнинг назарий асослашдан бошлаб то ундан фойдаланиш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда телемеханизациялаш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда сув тақсимлашни бошқаришнинг такомиллашган технологияларини яратиш билан сув ресурсларини рационал тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш муаммоларини ечишга қаратилган. Маковский Э.Э., Натальчук Н.Ф., Ольгаренко В.И., Пахомов А.А., Петров Г.А., Скворцов В.Ф., Рахимов Ш.Х., Икрамова М.Р., Гловацкий О.Я., Jin Ming, Fread D.L. ишларида хорижда ва мамлакатимиздаги мавжуд суғориш тизимларида сув тақсимлашни автоматик бошқариш тизимлари

етарли даражада жорий қилинмаганлиги таъкидланган. Шу билан бир қаторда, ушбу ишлар таҳлили, сув тақсимлаш ва сув хажмини ростлашни автоматлаштириш билан боғлиқ бўлган гидравлик масалалар етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда очик ўзанларда сувнинг беқарор ҳаракати вужудга келганда оқимнинг бошқариш параметрларини ҳисоблашнинг бир талай усуллари мавжуд бўлиб, улар Грушевский М.С., Карасев И.Ф., Кокорин Ю.В., Лаксберг А.И., Троицкий В.П., Лятхер В.М., Ткачев А.А., Васильев О.Ф., Дегтярев В.В., Рожнов В.А., Махмудов Э.Ж., Арифжанов А.М., Базаров Д.Р. каби олимларнинг ишларида яхши ўрганилган. Шу билан бир қаторда, ирригация каналларининг автоматлаштириш объектларининг гидравлик параметрлари ҳамда автоматика тизимининг параметрларини боғлашнинг гидравлик усуллари такомиллаштириш талаб этилади.

Диссертацияда келтирилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, бош иншоотларнинг ишлаш режимини бузилиши оқибатида магистрал каналларда сув ресурсларини самарали бошқаришни гидравлик усуллари такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-техника муаммоси етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда.


Диссертациянинг **“Катта Наманган канали ҳавзасидаги сув хўжалиги ҳолатининг таҳлили ва гидротехника иншоотларининг ишлаш шартларини тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи бобида ишончлилик назарияси усуллари асосида, Учқўрғон ГЭС иш режимига боғлиқ равишда Катта Наманган каналида содир бўладиган беқарор сув ҳаракати туфайли сув сатҳининг кескин тебраниши шароитида каналдан сув кўтарувчи Уйчи, Сувчи, Навоий, Янгиқўрғон, Кукумбой, Бўлоқбоши, Ғайрат, Ғалаба ва Наврўз насос станцияларининг ишончли ишлаш ҳолатининг миқдорий кўрсаткичлари аниқланган, бу кўрсаткич ўртача 0,32 ни ташкил қилган, ҳисоблаш натижалари график кўринишида 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Катта Наманган каналидаги йирик насос станцияларининг ишончли ишлаш ҳолатининг миқдорий кўрсаткичи**

Ишончлилик назарияси усуллари асосида Катта Наманган каналининг кейинги 10 йил давомида ишончлилик ҳолати аниқланди: канал участкаларининг таъмир талаб қилмасдан ишлаш эҳтимоллиги ўртача 0,49, канал участкасини ишдан чиқиш эҳтимоллиги ўртача 0,51 ни ташкил этди.

Ҳисоблаш натижаларига кўра, каналнинг Қирғизистон Республикаси худудидан ўтувчи қисмининг 10 йил ичида ишдан чиқиш эҳтимоллиги 0.89 га тенг бўлди (2-расм). Бу рақамлар каналда тизимли равишда таъмирлаш ва реконструкция ишларини бажаралишини талаб этади.




**2-расм. Катта Наманган канали участкаларининг ишончли ишлашининг миқдорий кўрсаткичлари**

SANTEC S5 русумли акустик доплерли профилограф ёрдамида, турли гидрологик шароитларда Катта Наманган каналининг (ПК138-ПК290 ва ПК290-ПК508) пикетлари оралиғидаги участкасида оқимнинг тезликлар майдонининг экспериментал тадқиқотлари ҳамда оқим чуқурлиги ва сув сарфини ўлчаш ишлари бажарилди (3-расм).




**3-расм. SANTEC S5 аппарат-дастурий комплекси**


Канал бўлимларидаги белгиланган ўлчаш қирқимларда сув сатҳи, оқим тезлиги ва сарфи тўғрисидаги эксперимент маълумотлари 4,5,6,7 расмларда кўрсатилган.




**4-расм. Катта Наманган каналининг бош қисми, ПК138. Сув сатҳининг максимал чуқурлиги 1,87 метр, сув оқимининг максимал тезлиги 2,1 м/с, сув сарфи 27,901 м³/с**



**5-расм. Катта Наманган каналининг ПК451. Сув сатҳининг максимал чуқурлиги 1,05 метр, сув оқимининг максимал тезлиги 2,2 м/с, сув сарфи 19,641 м<sup>3</sup>/с**



**6-расм. Катта Наманган каналининг ПК597+89. Сув сатҳининг максимал чуқурлиги 2,94 метр, сув оқимининг максимал тезлиги 0,8 м/с, сув сарфи 9,942 м<sup>3</sup>/с**



**7-расм. Катта Наманган каналининг ПК362+93. Сув сатҳининг максимал чуқурлиги 2,6 метр, оқим тезлигининг ўрталаштирилган вектори 0,5 м/с, сув сарфи 10,65 м<sup>3</sup>/с**

Дала шароитларида, ўтказилган эксперимент натижалари, техноген омил таъсирида вужудга келган беқарор сув ҳаракатида, каналнинг ПК144+53, ПК208+90, ПК238+27 ўлчов қирқимларида сув сатҳининг ортирмаси ўртача 76 см ни ташкил этганлигини кўрсатди.

Экспериментал тадқиқот натижалари, Учқўрғон ГЭС иш режимининг салбий оқибатида, каналнинг биринчи ва иккинчи бўлимларида беқарор сув ҳаракати вужудга келиб, сув горизонтининг шиддатли ўзгариши билан боғлиқ мураккаб гидравлик ҳолат юзага келганини кўрсатди.

Диссертациянинг “Катта Наманган каналида беқарор сув ҳаракатининг гидравлик моделлари” деб номланган учинчи бобида назарий тадқиқотлар амалга оширилган. Тадқиқотлар натижалари ва уларни эксперимент натижалари билан таққослаш ишлари ёритилган.

Очиқ ўзанларда оғирлик кучи таъсирида, бир ўлчовли беқарор сув ҳаракатини ифодаловчи Сен-Венан тенгламалар тизими асосида Учқўрғон


ГЭС иш режими таъсирида каналда вужудга келадиган беқарор сув оқими харакатини гидравлик модели такомиллаштирилди:

$$\begin{cases} h(t, x) = t \cdot Fr \cdot \int (i - \theta \frac{Q^2}{K^2}) g dt \\ Q = O_{уп} \cdot \frac{v}{a} \cdot Fr \cdot \int q dt \end{cases} \quad (1)$$


бу ерда:  $t$ -вақт (с);  $i$ -ўзан туби нишаблиги;  $Q$ -сув сарфи ( $m^3/c$ );  $\theta$ -тузатиш коэффиценти;  $K$ -сарф модули ( $m^3/c$ );  $O_{уп}$ - затвор ҳолатини бошқарув оператори;  $v$ - кинематик қовушқоқлик коэффиценти ( $m^2/c$ );  $a$ - сув тўсувчи иншоот затвори очилишининг нисбий ўзгариши (м);  $Fr$ - Фруд критерияси;  $q$ - солиштирма сув сарфи ( $m^2/c$ ).

Сонли эксперимент натижалари қуйидагиларни намоиш қилди, КНК бош иншоотида максимал  $65 m^3/c$  сув сарфида каналнинг қуйи створида максимал сув сарфи  $39,7 m^3/c$  (каналдан сув олинишини ҳисобга олган ҳолда) ни ташкил этди. Каналнинг қуйи створида юқорида қайд этилган сув сарфида сув чуқурлиги нормал сатҳга нисбатан 1,2 метр баланд бўлди. Тўлқин тарқалиш тезлиги эса ўртача  $1,8 m/c$  ни ташкил этди.

Гидравлик моделнинг сонли ечимини амалга оширишда Катта Наманган каналида ўтказилган эксперимент натижаларидан фойдаланилди. Сонли ечимлар ва эксперимент натижаларининг таққослаш графиклари 8,9,10,11 расмларда келтирилган:




8-расм. Каналнинг I-бўлимида сув сарфининг қийматлари




9-расм. Каналнинг I-бўлимида сув сатҳининг ўзгариши





10-расм. Каналнинг II-бўлимида сув сарфининг қийматлари



11-расм. Каналнинг II-бўлимида сув сатҳининг ўзгариши


Бошқарув назарияси усуллари ёрдамида Катта Наманган каналининг сув тўсувчи иншоотларининг затворлари ҳолати ҳамда сув сарфи ва сатҳининг ўзгариши ўртасида боғлиқликни таъминловчи гидравлик модель такомиллаштирилди.

$$\begin{cases} h(t, x) = t \cdot Fr \cdot \int \left( i - \theta \frac{Q^2}{K^2} \right) g dt \\ Q = \frac{v}{a} \cdot Fr \int q dt \cdot \begin{cases} \text{sign} x_1 = \text{sign} x_2 & \text{бўлса } k_1 x_1 \\ |k_1 x_1| > |k_2 x_2| & \text{бўлса } k_1 x_1 + k_2 x_2 \\ |k_1 x_1| < |k_2 x_2| & \text{бўлса } 0 \end{cases} \end{cases} \quad (2)$$

бу ерда  $x_1, x_2$ - вақт ва ҳаракат йўналиши;  $k_1, k_2$ - ҳаракат миқдори.

Натижада, сув тўсувчи иншоотлар затворлари ёрдамида каналдаги сув сатҳини ростлашнинг мантиқий қонуният структураси олинди. Катта Наманган каналидаги тўсувчи иншоотларнинг затворлари ҳолатини мантиқий бошқарув қонуниятини ҳамда каналдаги сув сарфи ва сатҳининг ўзгаришини ифодаловчи интеграл тенгламалар тизимини боғловчи гидравлик модели (2) такомиллаштирилди. Эксперимент маълумотларидан фойдаланиб (2) гидравлик моделнинг сонли эксперименти бажарилди.

Сонли ва дала тадқиқотлари маълумотларини таққослаш графиги 12-расмда келтирилган.



**12-расм. (2) гидравлик моделнинг сонли ва тажриба натижаларини таққослаш графиги. Таққослаш ҳатолиги 4 фоизни ташкил этади**

Ихтиёрий вақт momentiда, сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини ўзгариши ҳамда Катта Наманган каналида сув сатҳининг тебраниши ўртасидаги боғлиқликнинг гидравлик модели ишлаб чиқилди:


$$h(x, \tau) = \frac{2Q(x, t)}{(B+b) \cdot V_1} e^{\alpha \tau} \cdot f(\hat{x}) \quad (3)$$

Сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини бошқариш орқали Катта Наманган каналининг ихтиёрий қирқимида сув сатҳини ростлашнинг гидравлик модели ишлаб чиқилди:

$$\Delta d_2 = V_1 \frac{V}{gl} \ln \left[ \frac{(B+b)V_1}{2Q(x, t)} \frac{h(x, t)}{f(\hat{x})} \right]^{\frac{1}{\alpha}} \quad (4)$$


бу ерда  $V_1$ -затвор ҳаракати тезлиги (м/с);  $l$  – канал участкаси узунлиги (м);  $g$ - эркин тушиш тезланиши (м/с<sup>2</sup>).

(3) ва (4) тенгламаларнинг сонли ечими экспериментал маълумотлар асосида амалга оширилди. Сонли ечим ва эксперимент натижаларини таққослаш графиклари 13-расм ва 14-расмда келтирилган.



**13-расм. Каналининг I-бўлимида сув сатҳи тебранишини ростлаш**





14-расм. Каналнинг II-бўлимида сув сатҳи тебранишини ростлаш

### ХУЛОСА

“Магистрал каналларда сув оқимини бошқаришнинг гидравлик усулларини такомиллаштириш (Катта Наманган канали мисолида)” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илмий адабиётлар, фонд материаллари ва тадқиқотлар натижалари таҳлили, бош иншоотларнинг ишлаш режимини бузилиши оқибатида магистрал каналларда сув ресурсларини самарали бошқаришнинг гидравлик ва автоматлаштириш усулларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга кенг жорий этишга қаратилган тадбирларни белгилаш имкониятини яратади.

2. Ишончлилик назарияси усуллари асосида, Учқўрғон ГЭС иш режимига боғлиқ равишда Катта Наманган каналида содир бўладиган беқарор сув ҳаракати туфайли сув сатҳининг кескин ўзгариши шароитида каналдан сув кўтарувчи Уйчи, Сувчи, Навоий, Янгиқўрғон, Кукумбой, Ғайрат, Ғалаба ва Наврўз насос станцияларининг ишончли ишлаш ҳолатининг миқдорий кўрсаткичлари аниқланди, бу кўрсаткич ўртача 0,32 ни ташкил қилди. Бу ўз навбатида каналдан сув кўтарувчи насос станцияларининг барқарор ишлаши ва самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Ишончлилик назарияси усуллари асосида Катта Наманган каналининг кейинги 10 йил давомида ишончлилик ҳолати аниқланди: канал участкаларининг таъмир талаб қилмасдан ишлаш эҳтимоллиги ўртача 0,49, канал участкасини ишдан чиқиш эҳтимоллиги ўртача 0,51 ни ташкил этди. Ҳисоблаш натижалари кўра, каналнинг Қирғизистон республикаси ҳудудидан ўтувчи қисмининг 10 йил ичида ишдан чиқиш эҳтимоллиги 0,89 га тенг бўлди. Натижада канал ишончлилигини оширишга қаратилган тадбирларни белгилаш имконияти яратилди.

4. ГАТ (GlobalMapper) технологиялари асосида Катта Наманган канали сув хўжалиги баланси ишлаб чиқилди. Сув хўжалиги балансининг оптик катламлари: канал ўзани, ундаги гидротехника иншоотлар, насос станциялар

ва гидропостларнинг умумий иш ҳолатини баҳолаш ва вақт қаторида башоратлаш имкониятини яратди.

5. SANTEC S5 русумли акустик доплерли профилограф ёрдамида, турли гидрологик шароитларда Катта Наманган каналининг (ПК138-ПК290 ва ПК290-ПК508) пикетлари оралиғидаги участкасида оқимнинг тезликлар майдонининг экспериментал тадқиқотлари ҳамда оқим чуқурлиги ва сув сарфини ўлчаш ишлари бажарилди. Экспериментал тадқиқот натижалари, Учқўрғон ГЭС иш режимининг салбий оқибатида, каналнинг биринчи ва иккинчи бўлимларида беқарор сув ҳаракати вужудга келиб, сув горизонтининг шиддатли тебраниши билан боғлиқ мураккаб гидравлик ҳолат юзага келганини кўрсатди. Бу ўз навбатида каналининг асосий гидравлик параметрлари тўғрисида зарур маълумотларни олишга ҳамда назарий тадқиқотларни ўтказиш заруриятини вужудга келтиради.

6. Сен-Венан тенгламалари асосида Учқўрғон ГЭС иш режими таъсирида Катта Наманган каналида вужудга келадиган беқарор сув оқими ҳаракатининг такомиллаштирилган гидравлик модели, каналнинг ихтиёрий қирқимида сув сарфи ва сатҳини ўзгаришини аниқлаш имкониятини яратади.

7. Бошқарув назарияси усуллари ёрдамида Катта Наманган каналидаги тўсувчи иншоотларнинг затворлари ҳолатининг мантикий бошқарув қонунияти ҳамда каналдаги сув сарфи ва сатҳининг ўзгаришини боғловчи такомиллаштирилган гидравлик модель, каналларда сув оқим параметрларини ҳисоблаш имкониятини беради.

8. Сув тўсувчи иншоот затвори ҳолатини бошқариш орқали каналнинг ихтиёрий қирқимида сув сатҳи тебраниш параметрларини ҳисоблаш имкониятини берадиган гидравлик модель ишлаб чиқилди.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И  
ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ**

**КАЗАКОВ ЭРГАШ АХМАДОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГИДРАВЛИЧЕСКИХ МЕТОДОВ  
УПРАВЛЕНИЯ ВОДНЫМ ПОТОКОМ В МАГИСТРАЛЬНЫХ  
КАНАЛАХ  
( НА ПРИМЕРЕ БОЛЬШОГО НАМАНГАНСКОГО КАНАЛА )**

**05.09.07–Гидравлика и инженерная гидрология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (Phd) по техническим наукам**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/T1488.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем.

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Махмудов Илхомжон Эрназарович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Эшев Собир Саматович  
доктор технических наук, профессор

Хикматов Фазлиддин  
доктор географических наук, профессор

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «18» декабря 2020 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары Ниязова 39. Тел: (99871) 237-22-09; факс: (99871) 237-54-79; e-mail: [admin@tiim.uz](mailto:admin@tiim.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер №144). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кары Ниязова 39. Тел: (99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан «09» 12 2020 года.  
(реестр протокол рассылки №44 от «09» 12 2020 года).



**Т.З. Султанов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых  
степеней, д.т.н., профессор

**А.А. Янгиев**  
Ученый секретарь научного  
совета по присуждению ученых  
степеней, д.т.н., профессор

**Д.Р.Базаров**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Основными задачами при проектировании, строительстве и эксплуатации магистральных каналов в мире являются автоматизация водозаборов, разработка и внедрение высокоэффективных ресурсосберегающих технологий водораспределения. В настоящее время в оросительных магистральных каналах, не технологические потери воды достигают до 30 – 35 % и более. В развитых странах включая США, России, Китае, Южной Корее, Турции, Узбекистане и др., особое внимание уделяют процессам управления водораспределением с использованием средств регулирования уровней воды по бьефам сооружений, улучшению оперативного контроля и проведения гидравлических исследований динамических процессов течения воды, сопровождающихся сложными колебательными изменениями расходов и уровней свободной поверхности каналов.

Особое внимание в мире уделяется проведению целенаправленных научных исследований направленных на разработку гидравлических способов эффективного управления водораспределением при неустановившемся движении воды в оросительных каналах на основе принципа обеспечения полного соответствия между количеством воды, поступающей в водоисточник. В связи с этим, одной из важнейших задач является исследование гидравлических переходных процессов, непосредственно связанные со сменой режимов работы ГЭС, насосных станций, гидротехнических сооружений, эффективное и надежное управление процессами водораспределения и водоподачи на оросительных каналах, совершенствование гидравлических методов стабилизации уровней воды, способных обеспечить гарантированную подачу воды потребителям.

На сегодняшний день в республике ведутся мероприятия по разработке и широкому внедрению усовершенствованных гидравлических методов и способов автоматизированного управления технологическими процессами водораспределения на магистральных каналах с применением средств регулирования уровней воды по бьефам сооружений, ведутся широкомасштабные работы по разработке новых гидравлических методов, способствующих эффективному использованию водных ресурсов на основе современных инновационных разработок. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан 2017-2021 годах определены задачи по «...внедрению современных водосберегающих и ресурсосберегающих технологий, использованию высокоэффективных техник сельского хозяйства...»<sup>1</sup>. При реализации данных задач, особое значение имеет проведение научно-исследовательских работ направленных на разработку и внедрение эффективных систем управления, включающих гидравлические модели и автоматические системы управления, которые позволяют минимизировать негативные эффекты от неустановившегося

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

движения воды на участке ирригационного канала обусловленные нарушением режима эксплуатации водозаборного сооружения. В частности, одной из важных задач является проведение исследований, направленных на обеспечение надежной работы гидротехнических сооружений и насосных станций в канале в условиях резких колебаний уровня воды из-за неустановившегося движения воды в Большом Наманганском канале, обусловленное техногенными факторами.

Исследования, выполненные в рамках настоящей диссертации, в определенной степени служат выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4486 от 9 октября 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами», ПП-4499 от 25 октября 2019 года «О мерах по расширению механизмов стимулирования внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве», также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

